



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕЛАРУСГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 8 июль куни расмий ташриф билан Минск шаҳрига келди.

Беларусь пойтахтининг халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчин, ташқи ишлар вазири Максим Рыженков ҳамда бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Давлатимиз раҳбари Минск шаҳрига келгач, Галаба монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ҳарбий оркестр ижросида икки давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул аскарлари тантанали равишда юриб ўтди.

Расмий ташриф доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва

Александр Лукашенко норасмий учрашув ўтказдилар.

Беларусь етакчиси давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, ташриф учун миннатдорлик билдирди. Президентлар бўлажак музокаралар кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф арафасида бўлиб ўтган тadbирлар, шу жумладан, икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокидаги Худудлараро форум яқунлари юқори баҳоланди.

Ташрифнинг асосий тadbирлари 9 июль куни бўлиб ўтади. Мустақиллик саройида Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари музокара ўтказдилар.

ЎЗА

Александр Огородников: “БЕЛАРУСЬ ВА ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ДЎСТОНА ВА ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН”

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Минскка расмий ташрифи арафасида Беларусь элчиси Александр Огородников “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди.

— Жаноб элчи, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳамкорлик барқарор иқбодий суръатни намойён этмоқда. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларда эришилаётган ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўраймиз.

— Сўзимни тарихдан бошлашам. Беларусь Республикаси биринчилардан бўлиб

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Бугун ҳамкорлигимиз қай даражага кўтарилганини кўриб турибмиз. Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг илк расмий хорижий ташрифи айнан Ўзбекистонга бўлгани рамзий маънога эга.

► Давоми 2-бетда

АЗАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ УФҚЛАРИ



Нуқтаи назар

Бугунги мураккаб ва тез ўзгараётган халқаро муносабатлар тизимида давлатларнинг барқарор тараққиёти кўп жиҳатдан ишончли ҳамкорлар билан ўрнатилган мустаҳкам муносабатларга боғлиқ. Айниқса, ўзаро ишонч, тенглик ва манфаатлар уйғунлигига асосланган шериклик нафақат иқтисодий тараққиётни таъминлайди, балки халқлар ўртасидаги маънавий яқинликни мустаҳкамлаб, узоқ муддатли ҳамкорлик учун ишончли пойдевор яратди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Беларусь Республикалари ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда мазмун ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, кўп қиррали стратегик шерикликнинг эркин намунасига айланмоқда.

Ўзбекистон азалдан турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳитида яшаб келаётган кўп миллатли мамлакат сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Бугун юртимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона Ватан раънақи йўлида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда. Улар учун миллий тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини

асраб-авайлаш, ривожлантириш ҳамда келгуси авлодларга етказишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилган.

Ана шу бағрикенг муҳитда яшаб келаётган Беларусь миллати вакиллари ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Улар илм-фан, таълим, тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, тadbиркорлик, маданият ва санъат



каби соҳаларда фаол иштирок этиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу эса икки халқ ўртасидаги тарихий яқинлик ва ўзаро ҳурматнинг амалий ифодасидир.

Сўнгги йилларда юритилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини сезиларли даражада оширди. Дунё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни

кенгайтиришга қаратилган мазкур сиёсат доирасида Беларусь билан муносабатлар ҳам мутлақо янги мазмун касб этди. Давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари, ҳукуматлараро комиссиялар фаолияти, амалий ташрифлар ва юқори даражадаги келишувлар ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини янада мустаҳкамлади.

► Давоми 2-бетда



НУРОНИЙЛАР ВА ЁШЛАР



Орамиздаги одамлар

Маҳалла файзи — кексалар дуоси билан

Халқимиз азалдан кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳаётини тажрибаси ва доғишмандлигидан баҳраманд бўлишни юксак қадрият сифатида эътироф этиб келади. Зеро, ҳар бир маҳалланинг файзу боракаси, тинчлиги ва аҳилиги кўп жиҳатдан нурунийларнинг оқилона маслаҳати, ҳаёт мактабидан ўтган тажрибаси ва жамоатчилик ишларидаги фаол иштироки билан чамбарчас боғлиқ.

► Давоми 5-бетда

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАЯНЧИ: ЭРКИН ТАФАККУР, БАҒРИКЕНГЛИК ВА МАЪРИФАТ УЙҒУНЛИГИ



Буюк ўзбек йўли

Президентимиз жорий йил апрель ойи бошида “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди. Унга кўра, жойларда “Мустақиллик тўйлари” бошлаб юборилди. Ҳа, ҳозирги шуқуҳли кунларда байрамона кайфиятда яшаймиз. Хуррият ҳақида, ватан озодлиги, шахс дахлсизлиги ҳақидаги гурунглр авж олиб, зиёлилар чиқишлар қиялпти. Бундай суҳбатлар инсонга кеча қай ахволда бўлганию, бугунги ютуқларини эслатади. Ўзлигини англашга қўмак беради.

Одатда биз ўзлик, шахсият ҳақидаги гапларни жуда осон ифода этамиз. Аслида, бу жуда масъулиятли, катта аҳамиятга эга масаладир. Юрт мустақиллиги бир кунда амалга ошиши мумкин. Бунга тарихда етарлича далиллар бор. Аммо

шахс мустақиллиги, эркинлиги йиллар давомида шаклланиб борадиган мураккаб жараёндир. Шу маънода, битта жамиятдаги шахслар мустақилликка турлича вақтда етиб келади. Биз ҳам ана шу жараёни бошдан кечирдик ва бугун ишонч билан

айта оламизки, халқимиз том маънода мустақил бўлди!

Буни ишонч билан айтишимизга тўла асос бор, албатта. Биргина виждон эркинлиги орқали фикримизни далилласак. Шахс эркинлиги фикр, эътиқод

эркинлигига боғлиқ. Инсон ўзини шахс сифатида тўла кўрсата олиши, орзу ва мақсадларига эришиши учун бу икки жиҳат жуда муҳим. Бунга ортиқча изоҳ бериш зарурати йўқ, назаримда.

► Давоми 3-бетда



Эртамин эгалари

ЯНГИЧА ФИКРЛОВЧИ АВЛОД мамлакатни ҳаракатлантирувчи куч

Бугун интеллектуал салоҳият маҳсули бўлган ғоя ва инновациялар бутун дунёда қадрланапти. Чунки ҳар қандай илм-фан янгилиги бевосита мамлакат иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Юртимизда ҳам янгича фикрловчи авлод вакиллари изланишлари муносиб баҳоланмоқда.

Яқинда фан, таълим, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган, ихтиро ва стартап лойиҳалари билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ёшлар “Инновацион ғоялар етакчиси” кўрак нишони билан тақдирланди. Уларнинг аксарияти халқаро

ва республика миқёсидаги илмий-инновацион танловлар, олимпиадалар, фестивалларда мусобақаларда юқори натижаларга эришган, инновацион ташаббуслари билан ажралиб турган иқтидорли ёшлар.

► Давоми 5-бетда

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

МУСТАҚИЛЛИК ТҶЙИ: СИРДАРЁДА БАЙРАМ НАФАСИ



► 6

2026 йил 9 июль, 138-сон

“Шериклик анъанавий бизнес форумлар доирасидан анча илгарилаб кетди. Бугунги кунда тиббиёт, туризм, таълим, спорт ва бошқа кўплаб йўналишлар муваффақиятли ривожланмоқда. Аслини олганда, бугун Беларусь ва Ўзбекистон серқирра ҳамкорлики янада ривожлантиришдан манфаатдор бўлмаган соҳанинг ўзи йўқ.

Александр ОГОРОДНИКОВ: “БЕЛАРУСЬ ВА ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ДЎСТОНА ВА ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН”



Бошланиши 1-бетда

Икки томонлама муносабатлар 2018-2019 йиллардан бошлаб алоҳида аҳамият касб этди. Буни рақамлар яққол кўрсатиб турибди: сўнгги ўн йил ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13 баробардан зиёд ошди. Бундай кўрсаткичларни санокли давлатларига намоёиш эта олади. Ўсиш суръати давом этмоқда. 2026 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра товар айирбошланишнинг изчиллик моҳияти сақланиб қолмоқда, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ривожланмоқда.

Биз Ўзбекистон Президентининг Беларусга таширифи арасида суҳбатлашиб турибмиз. Ўслаиб ўтаман, 2024 йилда Президент Александр Лукашенко давлат таширифи билан Ўзбекистонда бўлган эди. 2026 йилнинг биринчи ярми ҳам воқеаларга жуда бой бўлди: Беларусь Бош вазирининг расмий таширифи, унинг Тошкент халқаро инвестиция форумидаги иштироки, ҳукуматларо комиссия йиғилиши ҳамда Бош вазир ўринбосарларининг соҳавий йўналишлар бўйича фаол мулоқотлари бўлиб ўтди. Тошкентда ўтказилган “Иннопром” юбилей кўргазмасини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Парламентларо ҳамкорлик жадал ривожланмоқда: Миллий Мажлис ва Олий Мажлис юқори ва қуйи палаталари ўртасида мунтазам алоқалар ўрнатилган.

Бундай даражадаги ҳамкорлик негизинда янги ташаббуслар пайдо бўляпти. Таширифи арасидада учинчи Беларусь — Ўзбекистон ҳудудларо форуми ўтказилди. Бу формат ўз самардорлигини тўла исботлади, ҳудудлар эса унинг иқтисодий аҳамиятига ишонч ҳосил қилди.

Шериклик анъанавий бизнес форумлар доирасидан анча илгарилаб кетди. Бугунги кунда тиббиёт, туризм, таълим, спорт ва бошқа кўплаб йўналишлар муваффақиятли ривожланмоқда. Аслини олганда, бугун Беларусь ва Ўзбекистон серқирра ҳамкорлики янада ривожлантиришдан манфаатдор бўлмаган соҳанинг ўзи йўқ.

— Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари ўртасида фаол сиёсий мулоқот йўлга қўйилган. Бугун олий ва юқори даражадаги Ўзбекистон — Беларусь музокаралари кун тартибидида қандай асосий масалалар турибди?

— Беларусь — Ўзбекистон муносабатлари бунчалик муваффақиятли ривожланишига давлат раҳбарлари ўртасидаги ишонч ва дўстлик ришталари локомотив бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларни нафақат давлат раҳбарлари сифатидаги конструктив ҳамкорлик, балки самимий шахсий ҳурмат ҳам боғлаб туради. Айнан улар ўз мисолида ҳамкорликини барча йўналишларда изчил ривожлантириш нақадар муҳим эканини кўрсатиб бермоқда.

Яқин истиқбол ҳақида гапирадиган бўлсак, кичик бир анонс қилишим мумкин. Моҳиятан, муносабатларимиз аллақачон стратегик тус олган. Ўтган йили

Беларусь ва Ўзбекистон Президентлари томонидан ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш бора-сида қўйилган вазифа деярли бажарилди. Бу маррага жуда оз қолди ва ишончим комилки, жорий йил унга эришилади. Шундан сўнг, албатта, янги, янада улугвор мақсад қўйилади.

Уни амалга ошириш учун 2026-2030 йилларга мўлжалланган янги ҳамкорлик “йўл харитаси” асос бўлади. 2024-2025 йилларга мўлжалланган аввалги “йўл харитаси” икки давлатнинг шерикликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли муваффақиятли амалга оширилди. Янги ҳужжат иқтисодиёт ва саноат кооперациясидан тортиб, гуманитар соҳагача бўлган ўзаро алоқаларнинг деярли барча йўналишларини қамраб олади ва узоқроқ муддатта мўлжалланган.

Бўлажак мулоқотларнинг асосий мақсади куётганнимиздек, стратегик шериклик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши бўлади. Аслини олганда, ушбу ҳужжат амалда шаклланиб улгурган ҳолатни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бугунги кунда мамлакатларимиз Бош вазирлари ҳам, Бош вазир ўринбосарлари ҳам Беларусь — Ўзбекистон муносабатларини стратегик шериклик деб атамоқда. Энди бу мақом расмий ҳуқуқий кучга ҳам эга бўлади.

— Сизнингча, яқин беш-ўн йил ичида Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг қайси йўналишлари халқилувчи аҳамият касб этади ва давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг келгуси ривожини қандай тасаввур қиласиз?

— Ҳамкорлиқнинг анъанавий йўналишларини тақдорлаб ўтирмай, яқин йилларда тобора муҳим аҳамият касб этадиган учта истиқболли соҳани алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Биринчиси — логистика. Дунёдаги сўнгги воқеалар одатий транспорт йўналишлари қанчалик тез ўзгариши мумкинлигини кўрсатди. Денгизга чиқиш имконияти бўлмаса-да, Беларусь ҳам, Ўзбекистон ҳам халқаро транспорт йўлакларига муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис, логистика инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий ҳаёлар ва тақсимот марказларини ташкил этиш ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланади.

Иккинчиси — энергетика. Ўзбекистон атом энергетикасини фаол ривожлантирмоқда, Беларусь эса атом электр станциясини қуриш ва ундан фойдаланиш бўйича амалий тажрибага эга. Биз ушбу тажриба билан ўртоқлашишга тайёرمىз. Бундан ташқари, анъанавий энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ривожлантирилади. Зеро, ишончли энергия таъминоти саноат ва умуман, иқтисодиёт ўсишининг асосидир.

Учинчи йўналиш — ахборот технологиялари. Бугунги кунда АКТ жаҳон иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланмоқда. Беларусь кучли дастурий таъминот яратиш мактабига ва юқори технологиялар паркени ривожлантириш бўйича муваффақиятли тажрибага эга. Ўзбекистонда ҳам рақамли соҳани ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Мутахассисларимиз салоҳиятини бирлаштириш нафақат ички бозорда, балки бошқа мамлакатларда ҳам харидордир бўлган рақобатбардош қўшма маҳсулотларни яратиш имконини беради.

Фикримча, айнан логистика, энергетика ва АКТ яқин йилларда Беларусь — Ўзбекистон ҳамкорлигининг энг истиқболли йўналишларидан бўлади.

“Дунё” АА



Бошланиши 1-бетда

Бугун Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлари фақатгина дипломатик мулоқотлар билан чекланиб қолмаяпти. Улар сиёсий ҳамжиҳатлик, савдо-иқтисодий шериклик, саноат кооперацияси, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, маданият ва гуманитар соҳаларни қамраб олган кенг қамровли ҳамкорлик тизимига айланди. Энг муҳими, мазкур муносабатлар замон талабларига мос рақамли иқтисодиёт, инновациялар, креатив индустриялар ва туризм каби истиқболли йўналишлар ҳисобига янада бойимоқда.

Стратегик шериклиқнинг энг муҳим белгиси — унинг барқарорлиги ва ўзаро ишончга таяниши. Ўзбекистон билан Беларусь муносабатлари айнан ана шу тамойилларга асослангани билан алоҳида аҳамиятга эга. Икки давлат бир-бирини ишончли ҳамкор сифатида қабул қилиб, халқаро ташкилотлар доирасида ҳам муҳим ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватламоқда. Бу эса ҳамкорлиқнинг узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик ҳусусият касб этаётганини англатади.

Бугунги глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги муносабатларини фақат савдо айланмаси ёки имзоланган келишувлар сони билан баҳолаб бўлмайди. Замонавий дипломатиянинг ҳақиқий қиймати инсонлар, жамиятлар ва маданиятларни бир-бирига яқинлаштириш қобилияти билан ўлчанади. Шу маънода, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида шакланган кўп қиррали ҳамкорлик икки мамлакатнинг миллий манфаатларини таъминлаш билан бирга Евроосиё маконида барқарорлик, ўзаро англашув ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ишонч ва шериклик руҳига таянган тараққиёт модели

Ҳар қандай стратегик шериклиқнинг ҳаётлиги, аввало, унинг амалий натижалари билан ўлчанади. Агар сиёсий мулоқот муносабатларнинг йўналишини белгиласа, иқтисодий ҳамкорлик унинг барқарорлигини таъминлайди. Шу маънода, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида шакланган савдо-иқтисодий муносабатлар икки давлат ҳамкорлигининг энг мустаҳкам устунларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар мутлақо янги босқичга чиқди. Ҳамкорлик анъанавий экспорт-импорт муносабатлари доирасидан чиқиб, қўшма ишлаб чиқариш, саноат кооперацияси, юқори технологиялар, логистика ва инвестициявий лойиҳаларни қамраб олган кенг қўламли тизимга айланмоқда. Бу эса мамлакатлар иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирувчи имкониятларига таянаётганини кўрсатади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги ҳамкорлик фақат мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан чекланиб қолмаяпти. Томонлар рақамли иқтисодиёт, инновациялар, “яшил” технологиялар, сунъий интеллект ва замонавий логистика тизимлари каби янги йўналишларда ҳам ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу эса шериклиқнинг нафақат бугунги кун эҳтиёжлари, балки келажак тараққиётига ҳам хизмат қилаётганини англатади.

Иқтисодий муносабатларнинг ҳақиқий қиймати уларнинг инсон фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси билан белгиланади. Янги иш ўринлари, замонавий



Озбек НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

технологиялар, рақобатбардош маҳсулотлар, малакали мутахассислар ва инновацион ишлаб чиқариш — буларнинг барчаси икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқнинг амалий самараси. Демак, иқтисодий шериклик нафақат икки мамлакат бюджетларини бойитиши, балки одамларнинг турмуш сифати яхшиланиши, янги имкониятлар эшиги очилишига ҳам хизмат қилади. Айнан шу жиҳат Ўзбекистон ва Беларусь муносабатларининг энг муҳим ҳусусиятини намоён этади. Бу ҳамкорлик узоқ истиқболли кўзлаган, ўзаро ишонч ва шериклик руҳига асосланган тараққиёт моделига таянмоқда. Шу боис, бугун шаклланиётган иқтисодий алоқалар келажакда янада йирик инвестициявий лойиҳалар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва илгор технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Маданият — халқлар бирлаштирувчи энг буюқ дипломатия

Бугунги глобаллашув даврида давлатларнинг халқаро майдондаги нуфузини белгилайдиган омиллар орасида иқтисодий салоҳият ёки ҳарбий қудратнинг ўзи етарли эмас. Замонавий дунёда мамлакатнинг ҳақиқий обрўси унинг маданияти, маънавий мероси, илм-фани ва инсонпарварлик ғояларини қай даражада дунёга етказиб олиши билан ҳам ўлчанади. Шу боис, халқаро муносабатларда тобора кенг қўлланилаётган “юмшоқ куч” концепцияси давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.

“Юмшоқ куч” бу — ишонтириш, ўзаро англашув, ҳамжиҳатлик фалсафаси. Унинг энг таъсирчан воситаси эса маданиятдир. Чунки маданият тиллар таржумонига муҳтож эмас. Мусиқа қалбга ҳиссиёт орқали етиб боради. Театр инсон тақдирини кўрсатади. Кино миллиятнинг руҳини намоён қилади. Адабиёт эса халқнинг тафаккури ва ҳаёт фалсафасини дунёга танитади. Шу маънода айтиш мумкинки, маданият халқларнинг бир-бирини англашишга хизмат қиладиган энг таъсирчан дипломатия.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатларда ҳам айнан маданий-гуманитар ҳамкорлик стратегик шериклиқни мазмунан бойитётган муҳим омиллардан бирига айланади. Чунки давлатлар ўртасидаги расмий келишувлар сиёсий муносабатларни мустаҳкамласа, маданият халқлар қалби ўртасида мустаҳкам қўприк қуриб беради. Ана шу қўприк орқали

ишонч, ҳурмат ва самимият авлоддан авлодга ўтади. Давлатларимиз ўртасида маданият соҳасида шакланган ҳуқуқий асослар бугун ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама битимлар, вазирликлар ўртасидаги келишувлар, мунтазам амалга оширилаётган қўшма дастурлар маданий дипломатиянинг изчил ва тизимли ривожланаётганини кўрсатади.

2018 ва 2025 йилларда Ўзбекистонда ташкил этилган “Беларусь маданияти кунлари”, 2019 ва 2023 йилларда Беларусь мезбонлик қилган “Ўзбекистон маданияти кунлари” ана шу ҳамкорлиқнинг энг ёрқин ифодаси ўлароқ, халқларимизнинг маданий яқинлигини янада мустаҳкамлади. Бу тадбирлар фақат концерт ёки кўргазмалардан иборат эмас. Улар миллиятларнинг тарихи, қадриятлари, санъати ва маънавияти билан яқиндан танишиш имконини берувчи улкан мулоқот майдонига айланди.

Айни кунларда Беларусь Республикасида ўтказилаётган “Ўзбекистон маданияти кунлари” ҳам ана шу эзгу анъананинг мантиқий давомидир. Дастур доирасида ўзбек киноси намуналари намоёиши, “Янги Ўзбекистон” фото-кўргазмаси, миллий санъат усталари иштирокидаги катта концерт дастури ҳамда икки мамлакат маданият муассасалари вакиллари иштирокидаги учрашувлар ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар орқали Беларусь жамоатчилиги янги Ўзбекистонда кечаётган кенг қўламли янгиланишлар, миллий маданиятимизнинг бойлиги ва халқимизнинг эзгу қадриятлари билан яқиндан танишмоқда.

Маданият кунларининг энг катта аҳамияти шундаки, улар давлатлар ўртасида эмас, аввало, инсонлар ўртасида мулоқотни кучайтиради. Биргалиқда тингланган куй, бир саҳнада ижро этилган қўшиқ, биргалиқда томоша қилинган фильм ёки кўрилган спектакль баъзан ўйлаб расмий учрашувлардан ҳам кўпроқ самимият уйғотади. Чунки санъат инсонни миллиятга қараб эмас, қалбига қараб бирлаштиради.

Бу борада халқаро фестиваллар ҳам халқ дипломатиясининг самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ижодкорларининг “Славянский базар” халқаро фестивалидаги муваффақиятли иштироки икки мамлакат маданий алоқаларининг амалий самарасини намоён этмоқда. Айниқса, 2024 йил мазкур фестивалнинг энг олий мукофоти — Гран-прининг Ўзбекистонлик ёш истеъдод Ясмина Хусниддиновага насиб

2018 ва 2025 йилларда Ўзбекистонда ташкил этилган “Беларусь маданияти кунлари”, 2019 ва 2023 йилларда Беларусь мезбонлик қилган “Ўзбекистон маданияти кунлари” ана шу ҳамкорлиқнинг энг ёрқин ифодаси ўлароқ, халқларимизнинг маданий яқинлигини янада мустаҳкамлади. Бу тадбирлар фақат концерт ёки кўргазмалардан иборат эмас. Улар миллиятларнинг тарихи, қадриятлари, санъати ва маънавияти билан яқиндан танишиш имконини берувчи улкан мулоқот майдонига айланди.

этгани нафақат миллий санъатимиз, балки мамлакатимиз маданий мактабининг халқаро эътифоди сифатида юксак аҳамиятга эга бўлди.

Маданий ҳамкорлиқнинг яна бир муҳим йўналиши — ёш авлодни тарбиялаш ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришдир. Бугун маданий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, “2+2” каби қўшма таълим дастурлари икки мамлакатнинг келажак авлодини бир-бирига яқинлаштирмоқда. Бу эса эртанги кун дипломатияси учун энг мустаҳкам сармоядир. Чунки бугун биргалиқда таълим олган ёшлар эртаги икки мамлакат ўртасидаги янги ҳамкорлик лойиҳаларининг ташаббускорига айланади.

Маданият инсон хотирасини сақлайди, халқларнинг руҳий қиёфасини асрайди ва цивилизациялар ўртасида мулоқот яратди. Шунинг учун ҳам у ҳеч қачон

эскирмайдиган, вақт ва макон чегараларини тан олмайдиган бебаҳо бойлиқдир. Давлатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик айнан ана шу умуминсоний қадриятларга таянгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У бугунги дўстликни мустаҳкамлаш билан чекланмай, келажак авлодлар учун ҳам ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабатлар мактабини яратмоқда.

Зеро, сиёсий қарорлар даврни белгилаши, иқтисодий лойиҳалар эса тараққиёт суръатини тезлаштириши мумкин. Аммо халқларнинг қалбини қалбга боғлайдиган, уларни умумий қадриятлар атрофида бирлаштирадиган ягона қудрат бу — маданият. Шу боис, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги маданий дипломатия бугун икки давлат муносабатларининг энг барқарор, ҳаётбахш ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бугунги муносабатлар фақат икки давлатнинг манфаатларини уйғунлаштириш билан чекланмайди. Улар замирида халқларнинг ўзаро ҳурмати, тарихий хотираси, эзгу қадриятларга садоқати ва келажакка умумий ишончи мужассам. Ана шу маънавий асос эса ҳар қандай келишув ёки иқтисодий лойиҳадан кўра мустаҳкамроқ.

Мамлакатларимиз ўртасида шакланган стратегик шериклик янги босқичга чиқмоқда. Шунинг асосий ҳусусияти шундаки, ҳамкорлик муайян соҳалар билан чекланиб қолмаяпти. Аксинча, у сиёсатдан иқтисодиётга, илм-фандан инновацияларга, маданиятдан инсон капиталигача бўлган барча йўналишларни қамраб олган яхлит тараққиёт моделига айланмоқда. Бу эса муносабатларнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларга таянаётганини англатади.

Айниқса, кейинги йилларда амалга оширилаётган қўшма ташаббуслар, йирик инвестициявий лойиҳалар, маданий алмашинувлар, таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик дастурлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларини янги мазмун билан бойитмоқда. Мазкур жараён нафақат давлат институтлари, балки ишбилармон доиралар, илмий жамоатчилик, ижодкорлар ва энг муҳими, икки халқни янада яқинлаштирибди.

Янги Ўзбекистоннинг очиклик, конструктив мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати Беларусь билан муносабатларни бундан-да юксак босқичга олиб чиқиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Улардан самарали фойдаланиш, мавжуд шериклик алоқаларини янада чуқурлаштириш ва уни янги ташаббуслар билан бойитиш мамлакатларнинг умумий тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз.

Зеро, давлатлар ўртасидаги муносабатларни тарих яратди, сиёсат йўналтиради, иқтисодиёт мустаҳкамлайди. Аммо уларнинг умрини халқлар белгилайди. Халқлар бир-бирини қанчалик яхши англаса, бир-бирининг маданияти ва қадриятларини қанчалик юксак қадрласа, ҳамкорлик шунчалик барқарор ва узоқ умр қуради.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали шериклик ҳам айнан ана шу мустаҳкам пойдеворга таянади. Бугун қурилаётган ишонч қўприги, амалга оширилаётган қўшма ташаббуслар ва халқлар ўртасида мустаҳкамланаётган дўстлик ришталари эртанги кун тараққиёти учун ишончли замин яратди. Бу эса стратегик шериклик тушунчасининг расмий ҳужжатлар доирасидан чиқиб, халқлар тақдирини, умумий мақсадлар ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган ҳаётини қўқоқликка айланаётганининг ёрқин тасдиғидир.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАЯНЧИ: ЭРКИН ТАФАККУР, БАҒРИКЕНГЛИК ВА МАЪРИФАТ УЙҒУНЛИГИ



Хусниддин АХМЕДОВ,
Дин ишлари бўйича кўмита
хузуридаги
Диний-маърифий соҳада
малака ошириш ва қайта
тайёрлаш институти
директори, сиёсий фанлар
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Айни ўринда яна бир жиҳат. Яъни бир шахснинг эрки бошқаларнинг дахлсизлик чегарасига ўтмаслиги зарур. Бу борада инсонларни бирдек рози қилиш ниҳоятда нозик ва мураккаб иш. Айниқса, мамлакатимиздаги каби турли миллат ва элатлар яшайдиган жамиятда бу янада долзарблик касб этади. Икки хисса масъулият юклайди. Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг ҳаёتبашлиги шундаки, шу мураккаб миссия ниҳоятда самарали бажаришмоқда. Бунинг учун бир неча жиҳатини, кенг қўламдаги ислохотларнинг муайян қисминигина эслаб ўтиш kifoya.

Мустақил бўлганимиздан кейин виждон эркинлиги Конституциямизда акс этди. Шунга қарамай, реал ҳаётда бу борада айрим масалалар халқимизни қийнаб келаятган эди. Масалан, шахс биргина хатоси сабаб “қора рўйхат”га тушиб қоларди. У жамиятдан бутунлай ажратиб ташланарди. Бундай шахслар бирор жойда ишлаш олмасди ҳам. Ҳатто хусусий иш берувчилар тинчлини ўйлаб, осонгина рад жавобини берарди. Ачинарлики, бу рўйхатга гоҳида айбисиз айбдорлар ҳам қўшилиб қоларди. Бундай тушунмовчиликлар жамиятда гагминлик уйғотгани, халқро майдонда мамлакат нуфузига салбий таъсир кўрсатгани бор гап.

Бунга ўхшаш рўйхатларнинг оқибати ҳақда эса аксариятимизда етарлича фактлар бор. Шу ўринда қулоққа чалинган мисоллар билан биринчи келтириб ўтсак. Адабиёт муҳиб бўлган акаимиз Чорсу бозоридagi эски китоблар растасидан Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”ини сотиб олади. Сўнг қўлидаги китоб билан метрога тушмоқчи бўлади. Табиийки, йўлнинг тўстан ҳодимлар китобини кўздан кечирилади. Ундаги араб имлосини кўриб, акаимизни сўроққа тутади. Яссавийни ҳам танимайдиган ёш ҳодимнинг муносабати сабаб икки ўртада тушунмовчилик келиб чиқади. Ниҳоят махсус хонадаги бир ярим соатлик бахсдан сўнг акаимизга рухсат берилади.

Мана шу ерда иккита муҳим факт бор. Биринчиси, ёт гоьларга қарши курашишда фақат жазолаш йўли танланган эди. Бундай айбловлар билан оқмомага тортилан шахсларга нисбатан ҳақомат деярли имконсиз ҳисобланарди. Оқибатда айбисиз айбдорлар умрини панжара ортида ўтказган ҳолатлар кузатилди. Адабиёт муҳиб бўлган акаимиз каби қанчадан қанча инсонлар ноўрин тушунтириш ишларига тортилиб, бебаҳо вақти ва асабини йўқотар эди. Ҳолат шундай эдики, ҳатто масжидларда азон товуши ҳам ўчириб қўйилди. Бунинг сабабини сўраганлар шубҳа остидаги шахс сифатида тагин ўша “суҳбат”ларга жалб этиларди. Шу боис, ўқувсизлик авж олиб, Аҳмад Яссавийдек улуғларнинг китобини кўрса ҳам лабига учуқ тошадиган қатлам пайдо бўлган эди.

Юртимизда маърифат кенг қулоқ ёзгач, халқимиз оқ-қорани осонгина ажрата оладиган бўлиб бормоқда. Шу ўринда кейинги йиллардаги ижобий ўзгаришлар, шу жумладан ўтган 2025 йилда мамлакатимиздаги турли ташкилотлар томонидан диний-маърифий мазмундаги 1100 га яқин номдаги адабиётларни чоп этишга ижобий ҳулоса берилганлиги ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Бу борада ҳам жуда катта янгилликлар кузатишмоқда. Айни жараёндаги очиклик таъминланиб, жавоб бериш мuddати тезлашиб, ижобий ҳулосалар кўпайди.

Мустақил бўлганимиздан кейин виждон эркинлиги Конституциямизда акс этди. Шунга қарамай, реал ҳаётда бу борада айрим масалалар халқимизни қийнаб келаятган эди. Масалан, шахс биргина хатоси сабаб “қора рўйхат”га тушиб қоларди. У жамиятдан бутунлай ажратиб ташланарди.

Бундай ўзгаришлар шу йўналишда илм қилаётган инсонлар учун ҳам, диний-маърифий адабиётларга эҳтиёжи бўлган юртдошларимиз учун ҳам жуда катта имконият, қўлайлик яратди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида радикаллашувга қарши куч билан эмас, илм ва маърифат билан курашаётган намунали давлат сифатида эътироф этилди. Мамлакатимиз бошқалар ҳавас қиладиган катта илмий марказга айланди.

Иккинчиси, илгари қонун посбонларига халқимиз бировнинг боласидай қарар эди. Чунки “план” деган юклама қонун посбонлари елкасидан босиб турар, беихтиёр улар ўзини ҳар ёққа уриб кўришга, билиб билмасликка, тушуниб тушунмасликка олишга мажбур эди. Шу боис, жамиятда бегоналашув муҳити шаклланди. Бунда жиноятларга қарши курашда энг оғир йўл танланиб, айбдорлар сафини имкон қадар кенгайтиришга қаратилганини тажрибадан кўрдик. Бу эса инсон ҳуқуқларини тўла қафолатлашни сўроқ остида қолдирарди.

Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси сабаб мана шундай қарашлар бутунлай ўзгарди. Инсон қадри учун бошланган ислохотлар, аввало, шахс мустақиллигига қаратилди. Жиноят учун адолатли жазо муқаррар этиб қўйилди. Айни пайтда инсонни тушуниш, унга имкон бериш амалиёти ҳам кенг жорий этилди.

Биргина мисол, диний оқимларга алоқадорликда гумонланиб, махсус ҳисобда турган 20 мингдан ортиқ фуқаро рўйхатдан чиқарилди ва жамиятга қайтарилди. Уларга ижтимоий ҳаётга қайтиш, иш топиш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тўлиқ шароит яратилди. Бунинг халқимиз жуда катта қувонч билан қарши олди. Негаки ўша 20 мингдан зиёд шахснинг атрофида яна ўнлаб қариндошлар, дўстлар ҳам ўзини “қора рўйхат”да тургандай ҳис этиб яшаётган эди. Очиги, бутун ўша катта ўзгаришларни ҳар кун эслайвермаймиз. Ўзимизга тушганида ҳам, “Ҳа, шундай ишлар бўлган эди”, деймиз, холос.

Ўрни келганда яна бир мулоҳаза. Қонун посбонлари билан боғлиқ ҳолатлар ҳақда. Илгари уларни узоқдан кўрсак, кўнчилига ҳадик ораларди. Улар ҳеч бўлмаганда “прописка” масаласида тўхтатиб, савол-жавоб қилиши мумкин эди-да. Бутун айрим ёшлар ўзи хатога йўл қўйиб, яна қонун посбонларини айбдор қилиб кўрсатишга уринмоқда. Телефонда тасвирга олиб, ҳолат ҳақда жар солса, ҳақ бўлиб қоламан деб ўйлайди гўё. Аслида, боболаримиз бизга ҳар бир неъматга доим шукрона келтириш керак деб сабоқ берган. Демак, бу ишларни нафақат эслашимиз, балки уларга муносиб бўлишга ҳаракат ҳам қилишимиз зарур.

Шу ўринда бағрикенглик сиёсати бора-сидаги яна бир муҳим жиҳатга тўхташ керак. Турли ёлгон қақиряқларга ишониб адашган ва оқибатда хорийки юртларда қийин шароитта тушиб қолган ватандошларимизга



бағрикенглик қилинди. Давлатимиз раҳбари топириги ва бевосита назорати остида уларни мамлакатимизга қайтариш бўйича “Меҳр” инсонпарварлик операциялари амалга оширилди.

“Меҳр” операциялари доирасида ҳозиргача Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги қуролли можаҳорлар ҳудудларидан 530 дан

ортиқ фуқаро ватанга қайтарилди. Уларнинг қарийб 75 фоизини болалар ташкил этади. Бу операциялар эса кўплаб ривожланган давлатлар ўз фуқароларини қабул қилишдан бош тортган бир вақтда амалга оширилди. БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ва халқро экспертлар Ўзбекистоннинг бу тажрибасини “жаҳон ҳамжамияти учун намуна ва энг инсонпарвар модель” ўлароқ баҳоламоқда. Жуда кўп давлатлар адашган аёллар ва болаларни реабилитация қилишда айнан “Ўзбекистон тажрибаси”ни ўргана бошладилар.

Ватанимизга қайтарилган юртдошларимиз эса Конституциямизда қафолатлангани каби, Ўзбекистоннинг ҳар би фуқароси давлат ҳимоясида эканини теран ҳис этди. Шу боис, “Меҳр” операцияси орқали олиб келинган шахслар бундай бағрикенгликка жавобан тинч ҳаёт кечириб, ҳалол меҳнат қияпти. Болалар билим олиб, ҳунар ўрганмоқда. Чин етим бўлиб қолган фарзандлар Меҳрибонлик уйларида жойлаштирилган.



Уларнинг янги ҳаёти, дунёқараш ияхши томонга ўзгарган.

Фуқароларнинг махсус ҳисобдан чиқарилишиёқ жамиятимизни бир бутун халқ, ягона ватан сифатида бирлаштирди. “Меҳр” операциялари эса бунинг янада мустаҳкамлади. Бу ишлар халқро майдонда ҳам муносиб баҳолилиб, Ўзбекистон дунё рейтингларида ижобий кўрсаткичларга эришди. Нафақат эришдик, балки ортга қайтмас тус олган

2018 йили Ташкилот Бош Ассамблеясининг навбатдаги ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳаси БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Маъмур резолюциянинг асосий мақсади билан танишар экансиз, уч минг йиллик тарихга эга давлатчилигимиз асоси — илм-маърифатга катта эътибор берилганини кўрасиз. Айни пайтда янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида ажодлар меросидан қувват олиб, замонавий ривожланиш йўли танланганига ишончингиз қомил бўлади. Яъни резолюциядаги асосий мақсад барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф этишдир. Ҳужжатда бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймасликка муҳим аҳамият қаратилган.

яшамокда. Турли миллат ва дин вакилларининг ўз ибодатларини эмин-эркин адо этиши жамият барқарорлигининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай муҳитни шакллантириш, уни нафақат мунтазам ривожлантириш, балки қасблар туришининг ўзидек жуда мураккаб ва қийин вазифа. Мамлакатимизда эса бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилиб, кўрсаткичлар йил сайин ижобий томонга ўзгариб, ўсиб бормоқда.

Хусусан, 2025 йилда диний-маърифий соҳага оид 14 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқишда асосий эътибор фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Диний маърифатга илмсиз эришиб бўлмайди. Шу маънода диний таълим соҳаси ҳам тубдан ислоҳ қилингани энг катта ютуқларимиздан бири бўлди. Ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом

Бугун жаҳонда экстремизм, терроризм муаммоси турли кўринишларда авж олган. Айни пайтда турли дин ва эътиқод ташкилатларига нисбатан тоқатсиз, муросаси муносабатлар кузатилмоқда. Тарихдаги шу каби ҳолатларда ажодларимиз илм-маърифат билан жаҳолатга қарши чиққан, низоларга барҳам берган. Бунга ҳам тарихдан етарлича далиллар бор. Улардан бири сифатида Абу Мансур Мотуридий тутган йўлни мисол келтириш kifoya, назаримда. Демокчи бўлганимиз, ХХI асрда дунё яна шундай маърифий гоьга эҳтиёж сезаятган эди.

Ўзбекистон дунё ахлига маърифат ва диний бағрикенгликни тарғиб этишга тўла маънавий ҳаққи бор мамлакатдир. Аввало, бу вазифани ажодларимиз доим юқори савияда ундаб келган. Бугун ўша миссия муносиб тарзда давом эттирилмоқда. Биргина мисол, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та конфессия вакиллари бағрикенглик тамойили асосида тинч-тотув

Мотуридий, Имом Термизий халқро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқро исломшунослик академияси, Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди. Бундан ташқари, барча учун очик бўлган Қуръон курслари ташкил этилди.

2017 йилга қадар мамлакатимизда 3 та олий (1 та исломий, 2 та ноисломий) ҳамда 9 та ўрта махсус диний таълим муассасаси фаолият юритган, холос. Бутун эса 16 та диний таълим муассасаси бор. Уларнинг 6 таси олий ўқув юрти ҳисобланади. Уларда ёшларимиз улуг ажодларга муносиб бўлиш йўлида илм-маърифат олмоқда. Масалан, Марказий Осиёда ягона Ҳадис илми мактабига асос солинган халқимиз фахрига айланди.

Диний таълимда қабул квоталари кенгайтирилди, хотин-қизлар учун диний таълим олиш имкониятлари яхшиланди. Муҳими, барча диний таълим муассасаларининг ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий йўналишлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Ўқув дастурлари такомиллаштирилиб, янги фанлар киритилди. Мутахассислик фанлари бўйича янги авлод дарсликлари тайёрланди. Буларнинг барчаси Бош қонунимизда кўрсатилгани каби виждон эркинлиги қафолатларига хизмат қилмоқда. Зеро, илм-маърифат бўлган жойда зиддият, тушунмовчиликлар чекинади. Жамиятда бирдамлик, ўзаро ҳурмат шакллана боради. Бир бутун халқ, ягона ватан бўлиб яшаш сурури қалбларни тўлдирарди!

Маърифат тарғиботининг энг самарали усули эзгулик улашшда намуна бўлишидир. Бир пайтда муқаддас ҳаж амалини бажариш ҳам анча мушкул эди. Ҳатто умра сафари учун муайян чекловлар ўрнатилганди. Мамлакатимиз учун ҳар квоталари кескин кўпайтирилди. Масалан, 2016 йилда 5 мингдан кўпроқ юртдошимиз ушбу муқаддас амални бажариш имконига эга

“Ватанимизга қайтарилган юртдошларимиз эса Конституциямизда қафолатлангани каби, Ўзбекистоннинг ҳар би фуқароси давлат ҳимоясида эканини теран ҳис этди. Шу боис, “Меҳр” операцияси орқали олиб келинган шахслар бундай бағрикенгликка жавобан тинч ҳаёт кечириб, ҳалол меҳнат қияпти.

бўларди. Ўтган йиллар давомида кўрсаткич ошириб борилди ва ҳаж квотаси 15 мингтага етказилди.

Умра сафари учун квоталар бутунлай бекор қилиниб, соҳага хусусий сектор кириб келди. Муҳими, ҳожиларимиз энди динимизнинг битта аҳкомини бажарган шахсларгина эмас, балки жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ватанга қайтмоқда. Яъни Ўзбекистонлик ҳожилар ушбу эъзоз ва ҳурматга жавобан юртга қайтган “маънавият тарғиботчиси” сифатида янги ва хайрли ташаббусларда бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу ҳам Ўзбекистонда илм-маърифат тарғиботида ўзига хос йўл танланганини кўрсатмоқда.

Гап ҳаж амали ҳақида кетар экан, Президентимизнинг шу йил 20 майдаги “Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорини эслашимиз зарур. Ушбу ҳужжат “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эъгу гоьни чуқур қарор топтиришга, инсонпарварлик, саховат, шукроналик ва бағрикенглик каби олимжаноб фазилатларни янада бойитишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Шу йил Рамазон ойида эҳтиёжманд ҳамюртларимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, минглаб кўнчилиларга қувонч олиб кириш мақсадида бир триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу маблағ имконияти чекланган юзлаб, минглаб беморларнинг жарроҳлик амалиётларига, уй-жойларини тиклашга, дилларини шод этишга сарфланди.

Бундай хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида муборак Қурбон ҳайити айёми арафасида давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш юзасидан янги тақдирот билан танишиб, 690 миллиард сўм ажратишнинг маъқуллади.

Халқимизга кўрсатилаётган бундай тизимли гагхўрликлар доирасида ниҳоятда улкан муруват тадбирлари ўтказилди. Хусусан, бу маблағлар ҳисобидан оғир хасталикларга чалинган 10 минг болада мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказиш белгиланди. Шунингдек, онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхис қўйилган 2 мингдан зиёд беморни тиббий текширувдан ўтказиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш ҳамда 300 дан ортиқ беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказиш харажатлари тўлиқ қоплаб бериш кўрсатилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум, шунингдек, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган қаҳрамонларимизнинг 8 мингдан зиёд фарзанди алоҳида эътиборга олинди, уларнинг омонат ҳисобварақларига 200 доллар миқдорига пул ўтказиб берилди. Ушбу эъгу ишларнинг давоми сифатида ҳудудлардаги 500 та масжидда замонавий таҳоратхоналар қурилиши, таъмирланиши белгиланди, қабристонлар обод қилинди.

Ватан ва халқ манфаати йўлида сидқиқидилан хизмат қилган меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда ҳам таъминланган оилалар вакилларидан иборат 100 нафар юртдошимиз илк бор “Президент ҳожиси” сифатида давлат томонидан ҳаж сафарига юборилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда диний бағрикенглик борасида туб ислохотлар кечди. Мақоламинг аввалда уларнинг ҳар бири ҳақида ҳеч бўлмаса битта фикр билан тўхталиб ўтишни ният қилган эдик. Аммо бу борадаги ислохотлар қўламини кенг бўлгани боис, бир-иккита янгиланишни қисман шарҳлаб бердик холос. Мана шунинг ўзидек ўтган қисқа даврда ҳаётимизда қанчалик катта ижобий ўзгаришлар кузатилиганини исботлайди.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар бошланганда виждон эркинлиги борасида муайян саволлар қаршида эдик. Уларнинг ҳар бири халқимиз қалбида гоь орзу, баъзан армон шаклида яшаб келаятганди. Диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги соҳасидаги ислохотлар фақат қонунлар ёки халқро анжуманлар билан чекланиб қолмади. Улар бевосита оддий инсонларнинг кундалик ҳаётидаги тўсиқларни олиб ташлашга ва узоқ йиллар давомида тўланиб қолган нозик муаммоларни ҳал қилишга қаратилди.

Натижада қисқа муддатдаги ислохотлар сабаб мамлакатимиз халқро ташкилотлар ва ривожланган давлатларнинг қузутуви, махсус рўйхатларида ижобий кўрсаткичларга эришди. Ҳатто уларга намуна бўладиган замонавий ечимларни тақдим этадиган мамлакатга айланди. Муҳими, халқимизнинг орзулари ушлайди, армонларга барҳам берилади. Бундай қувончи, фарахбахш туйғунни виждон эркинлигини тўла ҳис этиб, ўз эътиқод қарашлари билан бемалол яшаётган кўп миллатли халқимизнинг юз-қўздан билиб олиш мушкул эмас.

Эртамиз эгалари

ЯНГИЧА ФИКРЛОВЧИ АВЛОД

мамлакатни ҳаракатлантирувчи куч

Бошланиши 1-бетда

СУВДАН ОҚИЛОНА ҲОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТИ ОШАДИ

Фотимабону ҲАЙДАРОВА,
Бухоро давлат техника университети таянч докторанти:

— Ўзбекистонда сув ресурслари чеклангани қишлоқ ҳўжалигида жиддий муаммо. Анъанавий сугориш кўп сув талаб қилади ва шўрланиш хавфини кучайтиради. Биз ишлаётган “Ярим чўл ҳудудларда сув тежовчи Groasis Waterboxx технологияси асосида псаммофитларни етиштириш услубиятини тажриба асосида баҳолаш” лойиҳаси эса айнаи шунга йўналтирилгани билан аҳамиятли. Лойиҳамиз Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ташкил этилган “Академик ҳаракатчанлик” дастурида қолиб бўлди. “Инновацион гоғлар етакчиси” кўрак нишони билан тақдирланганим эса мамлакатимизда изланган, интилангн ёш ҳаракати эътибордан четда қолмаслигига яна бир мисол бўлди.

Лойиҳа доирасида дала шароитида тажрибалар ўтказилади, таҳлиллар қилинади ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиши кўтилган. У чўлланиш жараёнини секинлаштириш ва ерларни қайта тиклаш имконини беради. Қумли ва деграладацияга учраган майдонларда саксувл, қандим, черкез, юлгун каби псаммофит ўсимликларни муваффақиятли етиштиришда кўл келади. Бу эса шамол эрозияси ҳамда қум кўчишининг олдини олишга хизмат қилади.

Технология Оролбўйи ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда муҳим восита бўлиши мумкин. Шунингдек, у иқлим ўзгаришига мослашиш имконини ҳам оширади. Қишлоқ



ҳўжалиги соҳасида эса мазкур технология боғлар, химоя ўрмонзорлари ва агроўрмончилик тизимларини барпо этишда катта аҳамиятга эга. Бу ерлардан самарали фойдаланиш, ҳосилдорлигини ошириш ва сув харажатларини камайтириш имконини яратлади.

Иқтисодий жиҳатдан қаралганда, технология кўчатларнинг қуриб қолишини камайтиради, сугориш харажатларини қисқартиради ва “яшил иқтисодиёт” ҳамда экологик лойиҳалар учун инвестиция жалб қилиш имкониятини кенгайтиради. Уни дронлар, геоахборот тизимлари (GIS) ва масофадан зондаш технологиялари билан бирга қўллаш орқали кўчатнинг ўсиши ва ерининг экологик ҳолатини самарали мониторинг қилиш мумкин.

“ЎЗФОНЕМАЙЗЕР” ҚАНДАЙ ДАСТУР?

Гулшаҳноз МАХМУДЖОНОВА,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти:

— Бугунги кунда инглиз тилидаги Oxford ва Longman каби халқро лугатларда ҳар бир сўзининг фонетик транскрипцияси ҳамда талаффузини эшитса бўлади. Бу тил ўрганувчиларга сўзларни тўғри талаффуз қилиш учун муҳим. Аммо ўзбек тилидаги электрон лугатларда кўпинча фақат сўз ва унинг маъноси берилади, сўзининг қандай талаффуз қилиниши, фонетик транскрипцияси ёки аудио намунаси эса мавжуд эмас. Шу сабабли ўзбек тилини ўрганувчилар, айниқса, хорижликлар сўзларни тўғри талаффуз қилишда қийинчиликка дуч келади. “Ўзфонемайзер” лойиҳасининг муҳим афзалликларидан бири ҳам айнан ўзбек тили электрон лугатларини фонетик транскрипция билан бойитиш ва уни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Бундан ташқари, овозли ёрдамчи ишлаб чиқяимиз. Ҳозирги кунда ўзбек тилидаги овозли ёрдамчилар ва сўнъий интеллект асосидаги мулоқот тизимлари турли соҳаларда қўлланилмоқда. Масалан, “Мухлиса” сўнъий интеллектни давлат хизматлари порталларида, call-center тизимларида, овозни матнга ва матни овозга айлантириш жараёнларида, шунингдек, фойдаланувчилар саволларига ўзбек тилида жавоб бериш каби вазифаларда ишлатилмоқда. Бундай технологиялардан фойдаланилаётганда робот сўзларни тўғри талаффуз қилиши, табиий интонация ва равои нутқ жуда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли робот ёрдамчилар нутқини инсон нутқига яқинлаштириш ўзбек тили фоне-



тикасини аниқ қоғдалар асосида стандартлаштириши талаб этади. Лойиҳамиз ана шунга йўналтирилган.

Лойиҳанинг биринчи босқинида ўзбек тилидаги сўзларни автоматик фонетик транскрипцияга айлантирувчи тизимни ишлаб чиқдик ва уни <https://orfo.uz> платформасига жойлаштирдик. Кейинги босқинида тўғри талаффуз бўйича овозли ёзувни киритмоқчимиз. Бу овозли ёрдамчи нутқини робот эмас, табиий, инсон нутқидек чиқариб беришга ёрдам беради. Мисол учун, ҳозир “Мухлиса” ва “Аниша” сўнъий интеллектлари бор. Уларнинг талаффузи табиий чиқмайди. Чунки улар робот. Биз роботга табиий талаффузни ўргатамиз. Бу билан технологиялар дарида ўзбек тилининг софлигини бир оз бўлса-да сақлаб қоламиз.



Орамиздаги одамлар

Бошланиши 1-бетда

Мазкур ташаббус орқали кексаларнинг ҳаётий тажрибаси ва маънавий мероси ёш авлод тарбиясида ўзига хос ибрат бўлаётди. Жумладан, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш, уларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Олтинкўл маҳалласида ушбу эзгу мақсадларни амалга оширишда фидойилик кўрсатаётган нурунийлар орасида Қараматдин Узақбергеновнинг ўрни алоҳида. Маҳалла аҳли мазкур инсонни меҳнатсеварлиги, фаоллиги ва ташаббускорлиги билан яхши танийди. У нафақат кўча оқсоқоли, балки маҳалланинг маънавий устуни сифатида ҳам катта ҳурматга эга.

Қараматдин узоқ йиллик ҳаётий тажрибасини ёшлар тарбиясига бағишлаб келади. У маҳалладаги ҳар бир хонадон билан мунтазам мулоқот қилиб, аҳолининг турмуш тарзини, муаммоларни ва эҳтиёжларини билан қизиқади. Нуруний сифатида оиалардаги аҳиллигини мустаҳкамлаш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, қариндошлик муносабатларини асраб-авайлаш ва ёшларга тўғри йўл кўрсатишда жамоатчилик асосида фаол иштирок этиш келмоқда.

— “Бир нуруний ўн ёшга масъул” тамоийли асосида ўзимизга бириктирилган ёшлар хонадонларига бориб, томорқадан самарали фойдаланиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича амалий маслаҳатлар бериб келаимиз. Бу эса ёшлар бандлигини таъминлаш, оилавий даромадини кўпайтириш ва тадбиркорликка қизиқишини оширишда жуда муҳим, — дейди Қараматдин ота Узақбергенов. — Шу билан бирга, бугунги ахборот оқими кучайган даврда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, интернетдан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш борасида тушунтириш ишларини ҳам мунтазам ўтказяимиз.

Дарҳақиқат, маҳалла тизими фақат маъмурий тузилма эмас, балки инсон тақдир, тарбия, маънавият ва ҳамжиҳатлик масканидир. Унинг мустаҳкамлиги эса кўп жаксалар ёшлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди. Улар айтган ҳар бир насихат, берилган ҳар бир маслаҳат ёш авлод камолотига хизмат қилади.

Меҳнатдан бахт топган онахон

Ердан ризқ ундириб, ё фаровонлигини йўлида хизмат қилётган инсонлар — жамиятимиз таянчи. Қишлоқ ҳўжалигида ўз касбига чинакам ихлос қўйганлардан бири “Бешкўпир ййлов” ишлаб чиқариши кооперативи раҳбари



НУРОНИЙЛАР ВА ЁШЛАР

Гулистон Аралбаева. У 2020 йилдан буюн билими ва тажрибасига таяниб қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида хизмат қилиб келмоқда.



Гулистон опа фақат ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмай, халқро лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан 2014 йили электр таъминоти паст бўлган Нўғай ва Мўйтен аҳоли пунктларига трансформаторлар ўрнатилиб, қатор ҳудудларга ичимлик сув тармоқларининг тортилиши ҳудуд аҳолисини жуда мамнун этди. Шунингдек, у инновацион технологияларни жорий этиш, иссиқхоналар қуриш, асаларчиликни ривожлантириш, кам таъминланган оиаларни қўллаб-қувватлашда ҳам туманда етакчи.

Хонадон томорқасига мевали дарахт ва полиз экинлари екилган. Эрта баҳордан бошлаб ерга меҳр билан ишлов бериш, иссиқхонадан самарали фойдаланиш ҳисобига йил давомида ҳосил олишга эришади. Айниқса, иссиқхонасида етиштирилган маҳсулотлар

бозорга эрта чиқарилиб, аҳолини сифатли ва табиий маҳсулотлар билан таъминлаётди. Шунингдек, хонадонда асаларчилик ҳам йўлга қўйилган.

Опа аслида узоқ йиллар таълим соҳасида ишлаб, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшган. Қаерда фаолият юритмасин, жамоада ҳамжиҳатлик, ҳурмат ва ишонч муҳитини шакллантириб келади. Унинг фидокорона меҳнати муносиб баҳолалиб, давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йил “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. Шунингдек, “Ибратли томорқачи” ва “Ибратли аёл” кўрак нишонига муносиб кўрилган.

Бугун Гулистон Аралбаеванинг ҳаёт йўли, эзгу ишлари ва эришган ютуқлари келажак авлодини яхшилик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиялпти. У фарзандларини эл-юртта садоқатли инсонлар этиб тарбияламоқда.

Олтинкўл ёшлари ютуқлари

Қонлиқўл туманидаги “Олтинкўл” маҳалла фуқаролар йиғинида 1014 ўғил-қиз рўйхатга олинган. Утган даврда “Ёшлар дафтери” орқали 300 дан ортиқ ёшга ижтимоий, моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама кўмак берилди. Шундай ёшларидан бири Навбаҳор Хўжамбергенова “Келажак касблари” лойиҳаси орқали хорижий тилларни ўрганиш имкониятига эга бўлди. Турк тили бўйича махсус сертификатни қўлга киритиб, бугун магистратура босқинида таълимини муваффақиятли давом эттирмоқда. Навбаҳор сингари ўз билими ва интилиши билан намуна бўлиб келатган ёшлар маҳаллада кўп.

Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги “Қишлоқ ҳўжалигида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга ер майдонларини ажратиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 120 ёшга деҳқончилик билан шугўлланиши учун ер майдони ажратилган. Ундан унумли фойдаланиб, юқори ҳосил олган 2 ёш “Меҳнаткаш деҳқон” кўрак нишони билан тақдирланган.

Ёшларни замонавий касбларга ўргатиш билан бирга хорижда мутахассис сифатида фаолият юритишини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2025 йилда бошлаб Олтинкўл маҳалласи ёшларини Германияга тартибли миграция асосида ишга юбориш йўлга қўйилди. Бу борадаги ишларнинг давомий сифатида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 15 йигит-қиз зарур ҳужжатларни муваффақиятли топириб, ўз устида ишламоқда.



— Ёшлар етакчиси сифатида билимим ва тажрибамни ошириш учун кўплаб танловларда иштирок этиб келаман. Утган йил

яқунлари бўйича мамлакат миқёсидаги энг фаол 100 нафар ёшлар етакчиси рўйхатига киритилдим. Республика бўйича ўтказилган “Энг намунали ёшлар етакчиси” танловида 2-ўринни эгалладим, — дейди “Олтинкўл” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси Саламат Айтбаев.

Деҳқончиликдаги тажриба — мўл даромад манбаи

Беруний туманида ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги мўлжалланган ер майдонлари 30 йилга ижара шартномаси асосида ажратилмоқда. Мазкур ташаббус ёшларнинг деҳқончилик фаолиятини йўлга қўйиши, даромад манбаларини яратиши учун катта имкониятдир.

Ажратилган майдонларда ёшлар сабзавот, полиз, дуккакли экинлар етиштириб келади. Бунда уларга аграр соҳа мутахассислари амалий тавсиялар бериб, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича кўмаклашади.

Ибн Сино маҳалласида 8 йигит-қизга 10 сотихдан ер ажратилган. Ёшлар ҳозир қовоқ, полиз экинларини парвартишлаб келади. Майда қадалган уруғдан сентябрда ҳосил йиғиб олиш мумкин. Қовоқ ички ва ташқи бозорда ҳам юқори даромадли маҳсулот. Кам сув талаб қилиши эса иқлим шароитига жуда мос. Мазкур маҳалланинг драйвери бўлган деҳқончилик бўйича ёшларнинг кўникмаси ва тажрибаси етарли.

“Тинчлик” овул фуқаролар йиғинида ҳам йигирмага яқин ёшга 30 сотихдан


бактериялар, замбурғулар ва бошқа биологик воситаларни ишлатиш режалаштирилган. Бундай микроорганизмлар паразит нематодларнинг туғумлари ва личинкалари ривожланишини чеклаш, сонини камайтириши ҳамда ўсимликнинг табиий химоя ҳусусиятларини кучайтириши мумкин.

Тадқиқот жараёнида биологик воситаларнинг наъматак кўчатларига таъсири лаборатория, иссиқхона ва дала шароитида синовдан ўтказилиши режалаштирилган. Тадрибаларда ўсимлик илдининг ривожланиши, новдалар ўсиши, барларнинг ҳолати, мева ҳосилдорлиги ҳамда нематодалар сонининг ўзгариши мунтазам кузатиб борилади.

Биоинновацион агротехнология фақат биологик препаратлардан фойдаланишни эмас, балки барча фойдали агротехник тадбирларни ягона тизимга бирлаштиришни назарда тутди. Бунда соғлом кўчатлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, органик ўғит ва биоғумус қўллаш, сугориш тартибини тўғри ташкил этиш, зарарланган ўсимлик қолдиқларини майдондан чиқариш ва алмашлаб экиш каби тадбирлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Мазкур лойиҳа ҳудудда доривор ўсимликлар етиштиришни ривожлантириш, янги наъматак плантацияларини ташкил этиш ва маҳаллий хомашё базасини кенгайтиришга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятли. Сифатли наъматак маҳсулотини етиштириш эса фармацевтика ва озиқ-овқат саноати корхоналарини табиий хомашё билан таъминлаш имкониятини оширади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.



1 гектаргача ер ажратиб берилган. Бу ерда мавсум давомида 2 маротаба ҳосил олинади. Эртاپилан тарвуз май ойида плёнка остига экилиб, ҳозир ички бозорни таъминлаб келяпти.

Шунингдек, ёшларнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни имтиёзли кредит ва субсидия билан таъминлаш, маҳсулотларини бозорга чиқариш имкониятларини кенгайтириш борасида ҳам тегишли чора-тадбирлар кўрилмақда. Ушбу саъй-ҳаракатлар тўғрйли туман ёшларининг бандлиги таъминланиб, тадбиркорлик кўникмаси мустаҳкамланмоқда ҳамда ҳудуднинг иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшиляпти. Ёшлар учун яратилаётган бундай имкониятлар келажакда қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг янада ривожланиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

